

МЕТОДИК ТАЙЁРГАРЛИК ЖАРАЁНИНИ ТАРКИБЛАШТИРИШ АСОСИДА ТАЛАБАЛАРДА КОГНИТИВ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

ЮСУПОВ Бекзод Эргашевич,

ҚМШИ, Қариш халқаро университети

“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси,

мустақил тадқиқотчи.

bekzod.yusupov.81@bk.ru



<https://doi.org/10.24412/2181-2993-2023-2-95-101>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада таълим тизимида кенг қўлланиладиган ўқитиш, ўрганиш, педагогик тайёргарлик, педагогик таълим каби тушунчаларга маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан берилган қиёсий тавсифлар, шунингдек, педагогик таълимнинг таркибий функциялари, фаолиятга йўналтирилган таълим парадигмасининг аҳамияти, шахсга йўналтирилган таълимнинг асосий қоидалари, педагогик нуқтаи назардан шахсий-фаолиятли ёндашувнинг асосий хусусиятлари тўғрисида фикрлар баён қилинган ва умуман олганда, шахсий-фаолиятли ёндашув жараёнида таълимнинг асосий вазифаси ҳал этилиши, яъни, баркамол шахсни ривожлантириши учун шароитлар яратишнинг зарурлиги, маънавий, компетентли, ўз-ўзини ривожлантирувчи ижтимоий фаол шахсни юзага келтириши масаласи хусусида фикрлар келтирилган.

Калит сўзлар: педагогик тайёргарлик, ўқитиш, ўрганиш, тайёрлик, рефлексия функция, регулятив функция, аксиологик функция, интеграцион функция, таълим функцияси, тарбиялаш функцияси, ривожлантириши функцияси, дунёқараиш функцияси, квази-педагогик фаолият, функционал йўналиш, коммуникатив маданият.

ABSTRACT

This article analyzes such concepts as teaching, learning, pedagogical preparation, pedagogical education, which are widely used in the educational system. comparative descriptions given by local and foreign scientists, as well as the structural functions of pedagogical education, the importance of the activity-oriented educational paradigm are revealed. the main rules of person-oriented education, the main features of the personal-activity approach from the pedagogical point of view are expressed, and in general, the main task of education is solved in the process of the personal-activity approach, that is, the need to create conditions for the development of a well-rounded person, spiritual, competent, self- opinions are presented on the issue of creating a self-developing socially active person.

Key words: *pedagogical preparation, teaching, learning, readiness, reflective function, regulatory function, axiological function, integrative function, educational function, educational function, developmental function, worldview function, quasi-pedagogical activity, functional orientation, communicative culture.*

КИРИШ (Introduction)

Бугунги кунда методик тайёргарлик жараёнини таркиблаштириш асосида талабаларда когнитив фаолиятни такомиллаштириш, уларнинг педагогик фаолиятига инновацион ёндашувларни олиб кириш масалалари долзарблик касб этмоқда. Чунки методик тайёргарлик пухта бўлса, таълим сифати ва педагогик жараён самарадорлигига эришиш мумкин бўлади. Зеро, “янги Ўзбекистон стратегиясининг мустаҳкам таянчи ва суянчи бўладиган тарихий-маънавий омил, яъни бизнинг энг катта бойлигимиз – халқимизнинг улкан маданий мероси, интеллектуал салоҳияти мавжудлигидир. Жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётган ушбу илмий-маънавий мерос дунё маданияти ва маънавияти тараққиётига бебаҳо ҳисса қўшилгани маълум. Айнан ана шу омил Янги Ўзбекистон пойдеворини яратишда, илм-фан, маънавий ва маданий фаолият, таълим-тарбия соҳаларини кенг ривожлантириш ва янги босқичга олиб чиқиш учун асос бўлмоқда”. Умуман олганда, ҳар қандай жамиятнинг истиқболли цивилизацияси унинг таълим-тарбия мақомига, янги таълим тизими таркиби ва моҳиятига, теран маърифий маданиятига боғлиқ. Зотан юксак таълим-тарбия даражасигина жамиятнинг, давлат ва миллатнинг келажагини таъминлайдиган, дунё узра нуфузини белгилайдиган ягона омил ҳисобланади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР (Discussion and results)

Методик тайёргарлик – таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этишнинг шакл, метод ва воситаларини билиш, ўзлаштириш, амалда қўллаш, фаолият натижаларини квалитетик таҳлил эта олиш, баҳолаш, илғор халқаро педагогик тажрибаларни ўрганиш, ўқув жараёнини лойиҳалаш, муваффақиятли амалга ошириш кўникмаларидир.

“Методик тайёргарлик” тушунчаси моҳиятини очиб берувчи таъриф ва илмий тадқиқотларни кўриб чиқсак, рус тилидаги илмий адабиётларда “методика” атамаси биринчи марта 1783 йилда Ф.И.Янковичнинг ишларида учрайди.

Тайёргарлик атамаси эса, С.И.Ожегов ва Н.Ю.Шведовнинг изоҳли луғатида қуйидагича талқин қилинади: 1) бирор бир нарса учун зарур бўлган билимларни ўрганиш, шакллантириш; 2) биро киши эгаллаган билимлар. Демак, тайёргарлик

– таълим жараёни ва унинг натижасидир. Бунда ўқитиш инсонга таълим бериш мақсадида ёки унинг маълум касбий ихтисосини эгаллаши мақсадида амалга ошириши мумкин. Биринчи мақсадга эришиш аввало маълум билимлар тизимини ва шахсий хусусиятларни шакллантиришни назарда тутуади. Иккинчи мақсадда кўпинча касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган кўникма ва малакаларни шакллантириш орқали эришилади.

Рус олими В.В.Малев замонавий методик тизимнинг характерли хусусиятларини қуйидагича: “таълим жараёнини илмий асосда режалаштириш лозимлиги; назарий ва амалий тайёргарликнинг уйғунлиги ва бирлигига эришиш; ўқув материални тез суръатда, юқори даражада ўргана олиш; юқори фаоллик ва талабаларнинг етарлича мустақил фаолиятига эришиш; индивидуал ва гуруҳли фаолиятнинг ўзаро бирлиги таъминланиши; ўқув жараёнининг техник воситалар билан тўлиқ таъминланганлигига эришиш; турли фан, мавзуларни ўрганишда комплекс ёндашувнинг таъминланиши сифатида таснифлайди ва таърифини шакллантиради.

Тадқиқотчи олим Ш. Ибрагимова фикрича, методик тайёргарлик – “педагогик жараёни методик жиҳатдан оқилона ташкил этиш, таълим ёки тарбиявий фаолият шакллари тўғри белгилаш, метод ва воситаларни мақсадга мувофиқ танлай олиш, методларни самарали қўллаш олиш, воситаларни муваффақиятли қўллашни англатади. Бундан ташқари, В. А. Адольф ва В. А. Сластениннинг фикрига кўра, методик компетентлик аниқ ифодаланган амалий хусусиятга эга ва ўз моҳиятига кўра у ёки бу фанни ўқитишнинг аниқ қуриш масалалари бўйича кенгайтирилган билимлар тизимини акс эттиради. Бунинг учун эса, педагогик жараёнларни замонавийлаштириш талаб этилади.

Замонавий педагогикада методик тайёргарликнинг натижаси таълим сифатигагина эмас, шахсни тарбиялашга ҳам қаратилганлигидир. Педагогика фанлари доктори Б.Рахимов илмий тадқиқотда касбий маданий муносабатлар тизимини яратиб, уни педагогик амалиётда қўллаш мазмун моҳиятини асослаб берган ва қуйидаги фикрларни билдирган: “Бугунги талабада, айниқса ўқитувчида ҳар иккала муносабатнинг, яъни касбий-маданий муносабатларнинг уйғун ва изчил бўлиши ижтимоий ҳаётнинг эҳтиёжи ҳисобланади”. Бошқа бир олим Н.Муслимов ўзининг илмий излари асосида қуйидаги фикрларни баён этади: “Шахсда касбий сифатларнинг мавжудлиги унинг мутахассис сифатида шаклланганлик кўрсаткичи орқали ифодаланади. ... Мутахасснинг касбий фаолиятини ташкил этиш жараёни маълум босқичларда кетма-кетликда амалга оширилади”. Яна бир олима, педагогика фанлари номзоди С.Бозорова ўзининг “Олий таълимда касбий- йўналтирилган ўқитиш технологияси” монографиясида

методик тайёргарлик ва технологик ечимга қуйидагича таъриф беради: “Таълим олувчиларда уларнинг бўлажак касбий фаолияти учун муҳим шахсий сифатларни, шунингдек, вазифаси бўйича функционал мажбуриятларни бажаришни таъминлайдиган кўникма ва малакаларни шакллантирадиган технология тушунилади”¹. Дарҳақиқат, жамиятимизнинг янги ривожланиш босқичда фақатгина ўз мутахасислигини яхши биладиган, тор соҳа билан ихтисослашган кадрни эмас, етук шахс сифатида ўзининг касбий компететлигини намоён қила оладиган, фуқаролик позициясини ўзининг сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий билим ва қарашлари тизими билан ҳам кўрсатиб бера оладиган инсонни тарбиялаш ҳамдир. беради ҳамда мавжуд тузумнинг барқарор ривожланишини кафолатлайди.

Методик тайёргарлик жараёнини таркиблаштириш асосида талабаларда когнитив фаолиятини такомиллаштиришда мустақил фикрлаш, ижодий қобилиятларни ривожлантириш, шу билан бирга янги педагогик технологиялар, ўқитишнинг интерфаол усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, шахсга йўналтирилган таълим, ҳамкорлик педагогикаси, кичик гуруҳларда ишлаш усуллари, таълим технологиялари сама-радорлигини янада ошириш учун замонавий ахборот коммуникацияларини кенг жорий этиш яхши натижа бериши мумкин. Машғулотларда таълимнинг янги шаклларида ўринли фойдаланиш, жумладан, интернет-форумлар, экспертлар иштирокида давра суҳбатларини ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Педагогик тадқиқотлар асосида, инновацион методик фаолиятнинг биринчи таркибий қисми аксиологик, иккинчиси – интеллектуал, учинчиси - функционал асосларни ўзи ичига олади ва уларнинг тизимий фаолият кўрсатишидан иборатдир. Янги касбий-методик фаолиятнинг аксиологик асосини инновацион фаолиятга оид ғоялар, ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар, анъаналар ташкил қилади. Унинг интеллектуал компоненти янгилик яратиш ва жорий этиш билан боғлиқ назариялар, концепциялар, яхлит таълимотлар, эмпирик билимлар ва инновацион ахборотларни ўз ичига олади. Мазкур ижтимоий маданий тизимнинг функционал компоненти янги ғояларни конкрет амалий ечим, технология ёки моддий ашёга айлантириш ва уни амалий фаолиятга татбиқ этишга қаратилган тажриба, алоҳида қобилият, кўникма ва малакалардан ташкил топади. Инновацион касбий-методик фаолиятнинг бу компонентлари ўзаро боғланган бўлиб яхлит ижтимоий-маданий тизим сифатида шаклланади ва ривожланади. Бу ижтимоий маданий тизимнинг асосий вазифаси жамиятнинг ўз-ўзини ташкиллаштириш, ўз-ўзини ривожлантириш

¹ Бозорова С. Олий таълимда касбий-йўналтирилган ўқитиш технологияси. Монография. Тошкент.: -Б.70.

лаёқатини юзага келтириш билан унинг доиравий айланма тарзидаги ҳаракатини таъминлаш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Шунингдек, методик тайёргарлик жараёнини таркиблаштириш асосида талабаларда когнитив фаолиятини такомиллаштириш ўз навбатида инновацион фаолиятни самарали амалга оширишни талаб этади. Инновацион методик фаолият – педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға бошловчи, таракқий эттирувчи кучдир. «Инновацион фаолият – бу янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги, ёхуд амалиётнинг янги шаклланаётган меъёрининг мавжуд меъёр билан тўқнашуви натижасида вужудга келган мажмуали муаммоларни ҳал ечишга қаратилган фаолиятдир», – деб таъкидлайди В.И.Слобадчиков. Ўзбек олимларидан М.Жуманиёзованинг фикрича, ўқитувчиларни инновацион методик фаолиятга тайёрлаш муаммосига мурожаат этиш жамиятда инновацион жараёнлар динамикасининг ўсиб бориши натижасида вужудга келди. Унинг таҳлили фақат фан ва техника эришган замонавий ютуқлардан фойдаланишни ўз ичига олмасдан, балки янгиликларни излаш, яратиш, мослаштириш, татбиқ этиш ва олинган натижаларни қайта текшириш каби жараёнларини ҳам камраб олади. Инновацион фаолият моҳиятини ифодалашда унинг самарадорлик кўрсаткичи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Фаолият самарадорлиги у ёки бу фаолият таъсирчанлиги, ҳурматга лойиқлиги, унда ўзини ўзи намоён қилиш имконияти ва бошқа шу каби сифатларнинг кесишмасида аниқланади ва қурилади. Ўқитувчи фаолиятининг кўп қирралилиги, такрорланмаслиги сабабли ўқитувчи ижоди ва педагогик инновация тушунчаларини тарифлашда ягона нуқтаи назар мавжуд эмас.

Бугунги таълим стандартларига кўра узлуксиз таълим тизими қуйидаги тамойиллар асосида фаолият олиб боради:

Таълимнинг устуворлиги – таълим-тарбия жараёнининг самарали ташкил этилиши ва фаоллаштирилиши жамиятимиздаги устувор йўналиш саналади.

Таълимнинг демократлашуви - таълим ва тарбия услубларини танлаш, таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва бошқариш, ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорлигига асосланади.

Таълимнинг инсонпарварлашуви – инсон қобилиятларининг тўлиқ очилиши ва билим олишга бўлган эҳтиёжларнинг қондирилиши, миллий ва умуминсоний қадриятлар устуворлигини таъминланиши, инсон, жамият ва атроф муҳитнинг ўзаро муносабатларини уйғунлаштиришга асосланади.

Таълимнинг ижтимоийлашуви – ўқувчиларда онгли интизом, инсоний қадр-қиймат туйғуси, ижтимоий нормаларга асосланган хулқ-атвор, юксак эстетик дунёқараш ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги.

Таълимнинг миллий йўналтирилганлиги - таълимнинг миллий тарихимиз, халқимизнинг бой анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги.

Таълим жараёнида таълим методларини танлаш қуйидаги мезонлари асосида аниқланади:

- дидактик мақсад асосида;
- таълим мазмуни асосида;
- ўқувчиларнинг ўқув кўникмаларини эгаллаш ва ривожланиш даражаси асосида;
- ўқитувчининг тажрибаси ва касбий тайёргарлик даражаси асосида.

ХУЛОСА (Conclusion)

Хулоса қилганда, талабаларнинг когнитив фаолиятини таркиблаштириш асосида такомиллаштириш модели замонавий педагогиканинг таълим сифатига қаратилган инновацион тамойилларга асосланиб, унда педагогик жараённи алоҳида-алоҳида майда қисмларга бўлиш, уларнинг кетма-кетликда амалга ошириш изчиллигига эришиш таълим сифатига таъсир кўрсатиши келиб чиқади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Бозорова С. Олий таълимда касбий-йўналтирилган ўқитиш технологияси. Монография. Тошкент.: -Б.70.
2. Малев В.В. Общая методика преподавания информатики. Учебное пособие. - Воронеж: ВГПУ, 2005. -С. 271с. <http://hosting.vspu.ac.ru/~mvv/mpi/mpi-uch.htm>
3. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед. фан. док. ... дис.- Т.: 2007. –Б. 315.
4. Сластенин, В.А. Введение в педагогическую аксиологию. – Москва.: Издательский центр «Академия», 2003. – Б. 78.
5. Юсупов, Б. Э. (2021). Вопросы педагогических систем, педагогических технологий и педагогических исследований в педагогическом процессе. *Вестник науки*, 4(6 (39)), 58-63.
6. Юсупов, Б. Э., & Хайитова, С. (2019). Развитие образовательного процесса на основе инновационных подходов. *Вестник науки и образования*, (19-2 (73)), 42-46.
7. Юсупов, Б. Э. (2019). Инновационные педагогические технологии как фактор повышения эффективности образования. In *Педагогика и современное образование: традиции, опыт и инновации* (pp. 69-72).

8. Юсупов, Б. Э. (2023). ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМ ФУНКЦИЯЛАРИ КОМПОНЕНТЛАРИНИ ТАРКИБЛАШТИРИШНИНГ ТАХЛИЛИ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(1), 82-89.
9. Юсупов, Б. Э. (2019). Таълим инновацияларидан фойдаланишдаги муаммолар ва ечимлар. *Современное образование (Узбекистан)*, (6 (79)), 31-36.
10. Жумаев Э. Т., Юсупов Б. Э. Включенность личности школьника в классный коллектив //NovaInfo. Ru. – 2018. – Т. 2. – №. 85. – С. 192-195.